

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан яғонадир,
Ватан биттадир

2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили Ассалому алайкум, азиз мухитарий! ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 25 июн № 23 (8420)

Муҳим ахборотлар

Президент Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига ўзгартириш киритиш
ва ташкилий чора-тадбирларни
амалга ошириш юзасидан
Конституциявий комиссия аъзолари
билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг навбатдаги
мажлиси бўлди. Унда “Ўзбекистон
Республикасининг Конституциясига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий қонун лойиҳаси
кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Озарбайжон Республикаси Президенти
Илҳом Алиев 21 июнь куни давлат
ташрифи билан мамлакатимизга келди.

ДОНИ МЎЛНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ



Ғалла ўрим-йиғим мавсумининг ўзига
хос меҳнат-машаққати баробарида
гашти ҳам бор. Кундан-кунга
юксалаётган хирмонга қараб туриб,
қирмизи дон эртага эл дастурхони
султониغا айланишини ўйлаш қанчалар
ҳузурбахш. “Бахт-Йўлдош” машина-
трактор паркни ҳудудидаги Саид
Содиқжон номли фермер хўжалигининг
салкам 58 гектар майдонида ҳам
ишчиларнинг фидойи меҳнати
эвазига мўл дон етиштирилди.
Хўжалик дон сотиш бўйича шартнома
мажбуриятини бажариш арафасида
турибди. Ҳозирги ҳисобларга
қараганда, ҳосилдорлик ўртача 60
центнерданни қувиб бормоқда.

Суратда хўжалик раҳбари Обидхон
Абдуллаев ғаллазорда.
Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

27 июн—Миллий матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Бир ўлмас ҳақиқатни такрорлашдан тол-
маймиз: электрон нашрларнинг мўъжизаларга
бой имкониятлари нечоғлик эътироф этил-
масин, уларнинг ҳеч бири босма нашрлар
салмоғи ўрнини босмайди, босолмайди. Ахборот
турли манбалардан олиниши мумкин. Фикр-

тафаккур эса газетадан—бевосита мутлоа
орқали олинади. Ижтимоий фикр газета орқали
чархланади, бойитилади, камолга етади...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори, профессор,
таниқли ёзувчи ва журналист.

"ГАЗЕТАНИ ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН ҲАМ КЎЗГА СУРТИБ ЎҚИШАДИ"

Сарлавҳани ҳам устознинг юқо-
ридаги фикрининг давомидан
олиб кўя қолдим.

Бугунги глобаллашув жараё-
нида ахборот воситалари кўпай-
гандан-кўпайиб борапти. Чеки-
чегараси йўқ интернет аталмиш
восита тармоқлари орқали воқеа-
ҳодисалар, янгиликлар шундай
тезкорлик билан етказилаптики,
уларнинг барчасини—рост-у, ёл-
ғонлари билан ҳазм қилиб олиш
осон кечмаяпти.

Одамларни тутаб эмас, ёниб
яшашга, ҳушёрликка чорлаётган
ахборотлар қаторида, афсуски,
айниқса, ёшлар тарбиясига сал-
бий таъсир этувчи чиқишлар то-
бора “болалаб”, акстарбияга “хиз-
мат” қилаётгани ҳам бор гап.
Ижтимоий тармоқларни оммавий

ахборот воситалари принципла-
рига мутлақо зид бўлган адо-
ват, ҳақорат минбарига айлан-
тириб олганлар ҳам “урчиб” кета-
ётганидан кўз юмиб бўл..май..ди.
Таажубки, муаллифлар орасида
эл таниган одамлар ҳам бор.

Начора, буни глобаллашув дей-
дилар, ҳамма гап ростни ёлғон-
дан, яхшини ёмондан ажратиб
олишда, адашмасликда. Вазият
биз, катталардан ўсмирлар, ёш-
ларга тўғри йўлни кўрсатиш, на-
зорат ва яна назоратни кучай-
тиришни тақозо этаётганини унут-
масак бўлди.

Гапнинг очигини айтиш керак, бу-
гун ахборот бозорида босма
нашрларнинг вазияти мураккаб-
роқ кечмоқда. Улар ахборот ет-
казуви эмас, турмушимизнинг энг

долзарб масалаларида ижтимоий
фикр уйғотувчи, баҳс-мунозара,
ўтмиш, бугун, келажак ҳақидаги
ҳақиқатлар, таҳлилий, танқидий
мақолалар минбари бўлсагина
“кун кўради”, акс ҳолда аста-се-
кинлик билан медиабозорида
ўз ўрнини йўқотиб боради. Бун-
га мамлакат миқёсида ҳам, вило-
ят миқёсида ҳам кўплаб мисол-
лар келтириш мумкин. Аҳволга
“мажбурий обунага йўл қўйил-
майди” деган баҳонани рўқач
қилиб олиб, ўзларининг қонуний
мажбуриятини бажармай қўйган
муассислар ҳам сабабчидир.
Ахир “Оммавий ахборот восита-
лари тўғрисида”ги қонунда муас-
сисга бундай мажбурият юклаб
қўйилган-ку!

Давоми 2

ҲАР ЕРДА ҲОЗИРУ НОЗИР



Ҳокимликлар тизимида ахборот хизматининг
йўлга қўйилгани одамларнинг тезкор янгиликларга
бўлган эҳтиёжини қондиришда, бошқарувнинг
очиклигини таъминлашда катта аҳамият касб
этди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати
Ёркиной Қосимова (суратда) бу хизматнинг чинакам
жонкуяри сифатида майдонга чиқди, назарга тушди.
Уни ҳаммаша туман ҳаётига доир қайсидир муҳим
ахборот ёки янгиликни олиш, тайёрлаш, ҳокимлик
сайтига жойлаштириш жараёнида учратасиз. Ти-
ниб-тинчимас журналист ахборотни холис ва тез-
кор етказишдан ўзи ҳам маънавий қувват олади.
Шунинг учун ҳам асло чарчадим, демайди.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

УШБУ

2

* Менинг Конституциям—менинг тақдирим
* Ташаккурнома
* Газетамизнинг ўтмишидаги саҳифаларида

СОНДА:

3

* Хонадонбай ишлашнинг энг мақбул йўли
* Ёш журналист билан суҳбат
* Тарбия иллатга ғовдир

4

Сабоқ бекати

* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Хабарингиз борми?

Менинг Конституциям— менинг тақдирим

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚҮЙИЛАДИ

Мамлакатимизда жуда катта сиёсий жараён давом этмоқда. Ҳар биримизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тараққиёт тақозоси билан киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан тақлифлар юборилди. Уларни йиғиб, таҳлил қилган Конституцион комиссиянинг маълумотига кўра, Бош Қонунимизнинг 66 моддасига билдирилган тақлифлар асосида 170 дан ортиқ тузатиш ва қўшимчалар киритилди.

Кунни кеча Олий Мажлиснинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Энди бу қонун лойиҳаси референдумга қўйладиган бўлди. Комиссия томонидан тақлифлар қабул қилиш ҳамон давом этмоқда. Бу, энг адолатли, энг холис ва халқчил қарордир.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

27 июн—Миллий Матбуот ҳамда оммавий ахборот ходимлари кун

“ГАЗЕТАНИ ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН ҲАМ КЎЗГА СУРТИБ ЎҚИШАДИ”

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яхшиямки, Қўштепамиз халқининг газетхонлик даражаси бир қадар баланд. Бу, албатта, муассиснинг ҳам, ижодкорларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам дунёқарши, савиясига боғлиқ. Шу маънода турли ёш, тоифадаги муштарийларимизга бир савол билан мурожаат қилдик: “хаётингиз ва фаолиятингизда газетамизнинг ўрни ҳақида нима дея оласиз?”

Насибахон ҳожи ТОПВОЛДИЕВА, меҳнат фахрийси.

“Истиқбол йўли” газетасини ўқиб бораётганимга олтимиш йиллардан ошди. Шу кунларда ҳам ўқитувчи болаларим олиб келган газетанинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқийман. Қадрдон газетам орқали туманнинг “нафас олиши”ни ҳис қилиб тураман. Яқин ўтмишда шу туманнинг бир фаоли сифатида унинг “қозони”да қайнаган одам, унинг бугунги ҳаётига бефарқ бўлармидим. Бу имкониятни бераётган газетамдан миннатдорман. Жамоа аъзоларини касб байрамлари билан чин юракдан табриклайман.

Акрамжон ХУСАНОВ, “Истиқбол” маҳалласида истиқомат қилади.

Оиламизда қишлоқ хўжалик тизи-мида узоқ йиллар ишлаган Раҳмон-мирзо акамнинг шарофати билан га-

зетхонлик шаклланган. Болалигимдан эсламан, хонадонимизда собиқ итти-фоқ газеталари ҳам ўқиларди. Улар орасидан энг аввало туман газетасини топиб ўқирдик. Бундан ўттиз йиллар аввал газетанинг 4-бетида босилган “Мен—ёнғоқман” мақоласи шарофати билан мева бермаётган каттагина дарахтимизнинг одам бўйи қисмидан пўстлоғини вертикал йўналишда ярим метрча кесиб “ариқча” очиб қўйгани-миздан кейин келгуси йили у чунонам ҳосил қилдики... Буни ҳозиргача одам-ларга тавсия қиламан ва улар ҳам мендек мўл ҳосил олишяпти.

Тоҳиржон УРИНОВ,

1-мактаб тарғиботчиси.

Газетага ўқувчилик йилларимдан ёзиб турардим. Х. Каримова раҳбарлик қилган “Ғунча” тўғарагида бўладиган машғулотлар ҳамон ёдимда—бир машқ устида тортишувлар, баҳс-мунозаралар бўлиб, у мудом “пиширилар” ва газета юзини кўрарди.

Ўзининг “Ғунча”си орқали газета жуда кўплаб ижодкорларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирган ва қолдирапти.

Олий тоифали муаллималар Инобат-хон Ризаева, Мухаббатхон Мамажонова, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг жонқуяр тарғиботчиси Алижон Сид-диқов, Республика маънавий-маърифий тарғибот маркази туман бўлими раҳ-

бари Достонбек Ғаниев ва бошқа муш-тарийлар ҳам газета ҳақиқатан ҳам жуда катта маънавий, тарбиявий қурол эканини таъкидлайдилар.

Эътирофлар кўнгилни кўтаради. Ам-мо файласуфлардан бири “танқидсиз газетанинг сариқ чақалик қиммати йўқ”, деганида қанчалар ҳақ эди. Газетамиз ўтмишда жиддий танқидий мақолалари билан вилоятда тилга тушганди. Ва танқидга муносабат ҳам жиддий бўларди. Бугун бу жанговарлик сусайгандек. Ёри-тилган кескин танқидий мақолаларга мутасаддиларнинг муносабатидан ҳам мутлақо қониқиб ҳосил қилиб бўлмайди. Айрим шундай чиқишларимизга жавоб берилмай тургани ачинтиради одамни. Назаримда, уларга яна қайтиш ва сўзнинг увол қилинишига йўл қўймаслик даркор.

Айтмоқчиманки, сўз—буюк куч, қуд-рат, илоҳий неъмат. У тараққиётга хиз-мат қилмаса, мудроқ қалбларни уй-ғотмаса, маънавиятимизни чанг-гард-лардан тозаламаса, яратувчи меҳ-нати, турмуш тарзи орқали фидойи замондошларимиз характерини очиб берсагина, газетамиз юз йиллардан кейин ҳам кўзга суртиб ўқилади. Ўқилганда “отасига раҳмат, муаллиф хўп топиб ёзган экан” десалар, демак биз яшадик, ижод қилдик, умримиз зое кетмабди.

Хадичахон КАРИМОВА

ТАШАККУРНОМА

Ҳар қандай газетанинг оммавийлиги, савияси, ранг-баранглиги жамоат билан нечоғли мустақкам ҳамкорлигига боғлиқдир.

Миллий матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида газетамиз билан ижодий ҳамкорлик қилувчи, муштарийлар сафини кенгайтиришда фаол иштирок этган, наشرимиз ўқишлилигини ошириш, сифатини яхшилаш бўйича тавсияларини аямаётган кўйидаги жонқуярларимизга ташаккур билдирамиз:

Ғолибжон МАДАМИНОВ— туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари.

Зоиржон ТОЖИБОЕВ— туман халқ таълими бўлими мудир.

Ойбек МУРОДОВ— туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Иқболжон ЗОКИРОВ— туман адлия хизмати маркази раҳбари.

Ёркиной ҚОСИМОВА— туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Тоҳиржон УРИНОВ— 1-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Муртазохон ИСРОИЛОВ— Марғилон шаҳар босмаҳонаси оператори.

Газетамизнинг ўтмишдаги саҳифаларида



“ТУРТКИ”НИНГ ОЧИҚ ХАТИ

Кечирасиз, ўртоқ! (Исм-шарифини ёритмадик) Ушбу қисқагина очик хат билан биқинчангизга туртиб қўйишни лозим топдим. Ҳа, сизнинг боқибегамлигингиз, ландовурлигингиз қўлимга қалам олишга ва шаънингизга бир-икки оғиз сўз айтишга мажбур қилди...

Марғилон районидаги Калинин номли колхознинг ҳашаротга қарши курашувчи бригада бошлиғига битилган очик хатдан. 1962 йил, 15 июл.

Бундан 60 йил илгари газета вилоят обқўми ва ижроқўми органи сифатида чоп этилган. Туманимиз Марғилон номи билан юритилган.



Мабодо уй-жой қурмоқчи ёки ремонт қилмоқчи бўлсангиз, бу ҳақда кўча-кўйда оғзингиздан бирор гап чиқарманг. Моҳир Мирзаев ёки Ботир Бўриев (фамилияларни биз ўзгартирдик) лар бу ниятингизни билиб қолишса борми, атрофингизда парвона бўлиб, бошингизни айлантиришади. Қўйингизни пуч ёнғоққа тўлдириб, буюртма учун ҳақ олишади. Шундан сўнг колхозлараро коммунал хизмати кўрсатиш комбинатида бўзчининг моксидаёй қатнайверасиз...

М. Каримовнинг “Лўттибозлар” мақоласидан. 1977 йил, 22 ноябр.

Газета бундан 45 йил аввал лўттибозларнинг қил-мишини фош қилгач, улар қонун олдида жавоб берганлари кейинроқ эълон қилинган.



Менинг шахсий кутубхонамда 5000 атрофида китоб бор. Айтиш мумкинки, мен уларни кипригим билан йиққанман. Шулардан ўттиз-қирқтаси—гулзор ичида гул—ўқиб тўймайдиган, қўлдан қўймайдиган, “ёстиқ остида” сақлайдиган китоблардир. Ҳамма китобларимнинг саксон фоизи бадиий, ўн беш фоизи техникага оид, илмий-оммабоп, қолганлари бошқа турдаги асарлардир...

Колхозлараро механизациялашган кўчма колонна ёшлар бригадаси бошлиғи, кўнгилли китобсеварлар жамияти, “Ғунча” ёш ижодкорлар клуби аъзоси Икромжон Тожибоевнинг “Жавоҳирот сандиғи” мақоласидан. 1985 йил, 18 июн.

Газета бундан 37 йил илгари ҳам китоб тарғиботига жиддий эътибор қаратган экан. Яқин кунларда ибрат учун шу мақолани тўласича босишни мўлжалладик.



Не бўлса қаршингда ушлайсан эркин, Билмоқчи бўласан, бир-бир титасан. Фото асбобгамас, умидим, бир кун Ойга ҳам қўл чўзиб, маҳкам тутасан.

Алижон ШУКУРОВ фотознуди. 1962 йил, 15 август.

Бундан 60 йил аввал ҳам халқи-мизнинг фарзанд қамоли йўлидаги эзгу ниятлари газетада шу тахлит баён этилган экан.

Ёш журналист билан суҳбат

Суҳбатдошимиз, деҳқонobodлик Илҳомжон Собиров интилувчан ёшлардан Қорақалпоғистон Давлат университети журналистика факултетида таҳсил оляпти. Фикри тиник, бандларвозликлардан йирок, камчиликларга бепарқ эмас. Журналистика оламида кечаётган бугунги жараёнлар ҳақида у билан суҳбатлашиш соҳанинг қаттиқ нонини еяётган бир қаламкаш сифатида мен учун қизиқ, албатта.



АВВАЛ ИҚТИСОД, ДЕЙДИЛАР-У...

—Илҳомжон, журналистика майдонида кириб келаётган тенгдошларингизнинг интилишларидан кўнглингиз тўладими?

Матбуотнинг одамларга энг яқини бўлган туман газетасида ишлашни истармидингиз? Бунга сизда унчалар рўйхушлик сезмагандайман.

—Соҳага қизиқаман, шунинг учун ҳам ўқияман. Бугун ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар яратиб қўйилган, жумладан, бизнинг университетда ҳам. Аммо, назаримда, ҳамма ёшлар ҳам бундан зарур даражада фойдалана олмаётганлар. Бу, айрим устозлар томонидан талабчанликнинг сустлиги, соҳага тасодифан кириб қолганлар касридани, деб биламан. Ахир талаба олса, ўзи учун-ку!

Газетамизни ҳурмат қиламан. Аммо моддий манфаатдорлик масаласи мени бироз уйлантириб қўйяпти. Урганишларимга қараганда, радио, телевидение, марказий нашрлардагига нисбатан туманда ижодкорлар маоши бир неча бор кам экан. Ахир...бўлажак оиланинг бошлиғиман... Бу номунасосибликни бартараф этишга давлат миқёсида эътибор зарур, деб ўйлайман. Акс ҳолда бу нашрлар кадрларга чанқоқлигича қолаверади.

—Босма нашрлар тақдирига муносабатингиз.

—Менимча, бугунгидай янгиланишлар жараёнида босма нашрларнинг ўрни алоҳида. “Газеталарнинг даври ўтди”, дегувчилар қаттиқ янглишадилар. Ҳамиша ҳам ўтиш даврида оқни қорадан ажратиб олиш, ижтимоий фикр уйғотиш, маънавиятга таҳдидларга қалқон бўлиш, камчиликларни бартараф қилишда матбуотнинг кучидан фойдаланганлар. Ҳозир ҳам Янги Ўзбекистонга ўтиш даврини бошимиздан кечиряпмиз-да. Газеталар ҳам одамларнинг тили учидан турган мавзуларни топиб, сўзнинг қудратидан ўринли фойдаланиши зарур, деб ҳисоблайман. Иллатлар илдизини қуритадиган танқидларга кўпроқ ўрин ажратилса, яхши бўларди.

—Ёш журналист сифатида босма нашрлар фаолиятига замон талабидан келиб чиқиб, қандай янгиликларни тақлиф қилган бўлардингиз.

—Турк журналисти Гарбис Кешиш ўғли рақамли инқилоб натижасида вужудга келган ўзгаришларни рақамли имкониятга айлантира олганлар—интернет каналларида ўқувчиларига ўз нашини мутолаа қилиш имкониятини яъни “Гибрид матбуот”ни яратганларни ақли газетачилар деб атаган. Газетада видео материалларни бериш имконияти йўқ. Интернет орқали эса уларни ҳам ёритиб бориш мумкин.

—Аслида бу янгилик эмас. Бу имкониятдан деярли ҳамма нашрлар фойдаланяпти. Сиз ақли газетачи бўлсангиз биз ҳам айрим мавзуларни ёритишда видеоматериаллардан фойдаланишни йўлга қўйиш учун бу масъулиятни телевидениега қизиқувчи сиздек мутахассисга юклардик.

—Буни энди вақт кўрсатади, ҳали яна икки йил ўқишим бор. Барибир ҳалиги гап-да, аввал—иқтисод, дейдилару.

—Ўқиш ва ижодий фаолиятингизда ютуқлар ёр бўлсин.

—Раҳмат.

Ҳадичахон КАРИМОВА суҳбатлашди.

Ёшлар минбари

ХОНАДОНБАЙ ИШЛАШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИ

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатаётганимга кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа даврдаги амалиётда билдимки, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган тизим ҳақиқатан ҳам хонадонбай ишлашнинг энг мақбул йўли экан.

Аслида аввалги ишим ҳам ёмон эмасди. “Агробанк”нинг туман филиалида ишлардим. Янги лавозимдаги ишимни “Бўстон” маҳалласида бошладим. Маҳалланинг умумий аҳолиси 2819 нафар бўлса, иш бошлаган пайтимда 14.7 фоиз аҳоли, яъни 414 нафари ишсиз эди. Ҳозирда маҳалламизнинг “ўсиш нуқтаси” ҳисобланган узумчилик билан шуғулланаётган 200 га яқин аҳоли ўзини ўзи иш билан банд қилди. Бугунча бир қадар ҳаракатлар, тадбиркорларнинг ёрдами билан ҳам ишсизликни 234 тага қисқартиришга муваффақ бўлдик. Албатта, бу жуда катта натижа эмас, аммо уларнинг кўпчилиги маҳаллада ташкил қилинган тадбиркорлик объектларида иш билан таъминланди.

Масалан, Абдурашид Набиев раҳбарлигидаги “Силвер сифат строй” масъулияти чекланган жамияти корхонаси етти турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу корхона етти нафар ёшларни иш билан таъминлади. МЧЖ раҳбарининг айтишича, тез кунларда яна ўн беш нафар ёшларга иш ўрни яратилиб, жами ҳисобда 22 нафар йигитлар иш ўрнига эга бўлади. 270 миллион сўм эвазига товуқхона ташкил қилган Ҳасанбой Турсунов эса келажакда парандачиликни ривожлантириш эвазига озик овқат бозорини сифатли тухум ва товуқ гўшти билан таъминлашни ният қилган бўлса, Шўхрат Мирзаев имтиёзли кредит эвазига 80 миллион сўмга ғишт ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олиб, ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Маҳалламизнинг яна бир тадбиркори Мухаммадқодир Бахромов “Сара насл чорва таъминоти” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, Қозоғистон, Қирғизистондан насли қўйларни олиб келиб, аҳолига кредит асосида арзон нархларда тарқатаётгани нафақат маҳалламизнинг, балки туманимиз чорвачилигининг ривожланишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшиляпти.



“Темир дафтар”га киритилган бир оилга ҳомийлар ёрдамида уй қуриб берилди. Эҳтиёжмандларга ажратиб берилган 10 сотихдан ер майдонида улар картошка, сабзи етиштиришяпти. Уларнинг кўпи даромадга кирди. Хали олдинда қиладиган ишларимиз бисёр. Маҳалламизда беш гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонасининг тез суръатларда ривожланиши, хонадонбай ишлаб, тадбиркорлар сафини кенгайтириш ҳисобига йил охирига қадар яна 8,3 фоиз ишсиз аҳолини доимий иш билан таъминлашни ният қилганмиз. Шунингдек, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт даражасига олиб чиқишга эришиш—олдимда турган энг муҳим вазифаларимдир. Маҳалла ахли турмушидан рози бўлиши учун бор имкониятдан фойдаланишга интилаверамиз. Жамоат олдидаги бурчим ҳам буни тақозо этади.

Абдуҳамид ТАВАККАЛОВ,
“Бўстон” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси, туман Кенгаши депутати, “Ёшлар парламенти” аъзоси.

26 июн—Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

Сўнгги йилларда бу иллат шунчалик тарқалиб улгурдики, чекка қишлоқлардан ҳам бангиликка гирифтор бўлганлар довланишга жалб этилмоқда. Яқиндагина олис қишлоқдан довланиш

ша қилиши, китоблар мутолаа қилиши, вақтида дам олиб туриши ва соғлом овқатланиши зарур. Бу борада ота унга шундай шароитларни яратиб бериши керак.

вақти-вақти билан бағрингизга босганча уни яхши қўришингизни айтинг. Ҳеч қачон бўш вақти бўлмасин, ҳар бир дақиқа кадрлигини унинг онгига сингдириб бординг, меҳнатга ўргатинг. Шун-

ТАРБИЯ ИЛЛАТГА ҚОВДИР



Ота-она учун фарзандининг гиёҳвандликка мубтало бўлганини билиш катта мусибатдир. Ваҳоланки, бу—оғир касаллик! Унинг кечиши, оқибати, атрофдагиларга таъсири—барчаси оғир ва хатарли. Шундай экан, ота-она фарзандини бу йўлдан қайтариш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилади, бироқ, кейинги уринишлар наф берармикан?

учун ўзи наркология бўлимига келган йигитчанинг ҳолати бунга мисол. Елғизқўл аёл ўстирган ўсмир бола ўз фожиасини англаб етиб келди-ю, машъум иллатни енгиланга куч тополмаяпти, уни қайта-қайта қочиланга уринганига гувоҳ бўлиб турибмиз...

Касални даволагандан кўра, олдини олган маъқул, албатта. Бу вазиятда энг аввало фарзанд тарбияси катта аҳамиятга эгадир. Тарбия қачондан бошланиши керак, деган саволга кўпчилик болалиқдан, деб жавоб беради. Аслида эса, бу жараён анчагина узоқдан—фарзанд кутаётган ота-онадан бошланади. Бўлажак ота-она ўз зурриётини моддий ҳамда маънавий томонидан парваришлаганга тайёр бўлиши керак. Қорнидаги бола тўғри ривожланиши учун она асабийлашмаслиги, бола билан мулоқот қилиб туриши, табиат қўйнига бориб гўзал манзараларни томо-

Болага чақалоқлик давридаёқ катта одам билан гаплашгандек муружаат қилиш керак. Унинг ҳамма саволларига жавоб бериш, руҳан қувватлаб туриш зарур. Кўпинча ишдан келган ота-она бола билан мулоқот қилишни хоҳламайди. Агар катталар болага вақтини ажратмасалар, унда бола кўчадаги одамлардан руҳий таянч қидиради. Ана шу пайтда у гиёҳвандларнинг қўлига тушиб қолса борми, бу фожиадан Аллоҳ асрасин. Шундай кўргулик юз берса, қарабсизки, ота-она ўз боласидан аяган вақтини бутун умр уни даволашга сарфлайди, лекин кеч бўлган бўлади.

Ўсмирлик даврида, айниқса, болалар катта эътибор талаб қиладди. Фарзандингиз билан суҳбатлашиб, уни ўрганинг, нималарга қизиқиши, кўнглида қандай кечинмалар борлигини билинг! Қобилиятини ривожлантиринг, унга ишонингиз ҳақида гапиринг,

да ундан омадли, соғлом фикрлайдиган, етук инсон шаклланади, турли иллатлардан холи яшайди. Бироқ, фарзандни авайлашда меъёр бўлиши шартлигини ҳам унутмаслик керак, чунки гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчиларнинг аксарияти шунақа “эркатой” фарзандларни “ов” қилишади.

Инсон ҳаёти, ёш авлод келажига раҳна солиши мумкин бўлган гиёҳвандлик—бангиликка қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифаларидандир. Зеро, жамият ҳаётидаги мавжуд ҳар қандай зарарли иллатни йўқ қилиш ва унинг олдини олиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир.

Алижон СИДДИҚОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири.

Мадаминжон БҮРИБОЕВ,
кўп тармоқли марказий поликлиниканинг нарколог вақили.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Инсон вафот этганда, амали ундан узилади. Лекин уч нарсада узилмасдан, бардавом бўлади:

1. Жорий қилиб қўйган садақасида.
2. Фойда берадиган илмида.
3. Дуо қилувчи солиҳ фарзандида.

Муслим ривояти.

Сизлардан бирингиз жамоат билан овқатланаётганида тўйганини ҳис этса, токи қавм қўлини тортмагунча у ҳам қўлини тортмасин. Чунки ўшандай қилиши (қўлини тортиши) қавмни хижолатга олиб келади.

Байҳақий ривояти.

Киши ҳаром мол билан ҳаж қиладиган бўлса ва у (ҳаж) давомида "Лаббай" деса, Аллоҳ таоло: "Сен учун лаббайка ҳам саъдайка ҳам йўқдир", дейди, яъни, унинг чақириқларига жавоб қайтармайди.

Дайлабий ривояти.

"2002 ҳадис"дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
"Мунир" нашриёти.
Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati

Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ҚАЕРДАКИ СЎЗ ТИРИК ЭКАН, У ЕРДА ҲАЛИ ИШ ҲАМ ЎЛМАГАН

Оқил чин сўздин

ўзгани демас,
Аммо барча чинни ҳам
демак—оқил иши эмас.
АЛИШЕР НАВОИЙ.

Қаердаки сўз тирик
экан, у ерда ҳали иш ҳам
ўлмаган.

А. И. ГЕРЦЕН.

Халқ орасида кўпчилик
тилдан қўймайдиган сўз
асло ўлмайди.

ГЕСИОД.

Сўз—буюк нарса. Шунинг
учун ҳам буюкки, сўз билан
одамларни бирлаштириш,

сўз орқали уларни бир-
бирлари билан юзқурмас
қилиб юбориш мумкин,
сўз билан меҳр қозониш,
сўз билан нафрат ва
адоватга йўлиқиш мумкин.
Одамларни бир-бирдан
ажратадиган сўзни айтиш-
дан сақлан.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

Ҳар қандай бенатижа сўз
бемаъни ва қуруқ бўлади.

ДЕМОСФЕН.

Сўз айтишдан аввал,
ҳар дақиқада сўз ортидан
келадиган оқибатни ўйла...

И. П. ПАВЛОВ.

Сўздан ҳалол фойда-
ланиш керак.

Ўткир сўз худди хатга
тушгандай, болта билан
ҳам чопилмайди.

Н. В. ГОГОЛЬ.

Зеҳн тили, агар у юракдан
чиқса ўз нишонига тегади.

Ж. Ж. РУССО.

Масаланинг моҳияти ав-
вал ўйлаб олинса, гап қу-
йилиб келаверади.

Жавоҳир сингари тўйи-
ниб нафас олгучи фикр-
ларга сўзлар бўйин эгиб

келади.

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ.

Қалам—энг яхши муал-
лим, қаламдан чиққан нутқ
ҳозиргина ўйланганидан
кўра яхшироқдир.

ЦИЦЕРОН.

Тилнинг асосий беағи—
равшанлик.

СТЕНДАЛЬ.

"Тафаккур
гулшани"дан.
Ғафур Ғуллом
номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти.
Тошкент—1989 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар

КУЧ ЭГОЛМАГАННИ СЎЗ ЭГАДИ

Ота-боболар: "Киши жамиятда яшаркан, сўзлаш одобига ниҳоятда қаттиқ риоя қилиши, ҳамма нарсани гап деб гапирвермаслиги, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз қотмаслиги, тилини тийиб юриши зарур. Акс ҳолда бошига бало орттиради, ўзига зиён-заҳмат еткази", деган фикрни билдирганлар. "Қилич кесолмагани сўз кесар", "Тил тиғи қилич тиғидан ўткир", "Кўз етмаган ерга сўз етади", "Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етади", "Куч эголмагани сўз эгади", "Ўқ бирни ўлдиради, сўз—мингни", "Сув тошни ёради, сўз—бошни".

"Ҳикматнома"дан. Тошкент—1990 йил.



Ватан манзиллари

Инсон қадри ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларга эътибор борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тобора кенг кўлам касб этаётир. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июн кунги "Ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, ногиронлиги бўлган ёшларга ўқиш, яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Регламентга кўра, ногирон ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунар, дастурлаш, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига (15 миллион сўмга-ча) субсидия ажратилади.

Маълумот учун айтиш керакки, субсидия олиш учун исталган давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади ёки ЯИДХП (<https://ty.gov.uz/uz>) орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўй-

тасдиқловчи ҳужжат;
* Нодавлат таълим ташкилотли томонидан ариза берувчини ўқитиш тўғрисида шартноманинг электрон нусхаси.

Яшаш ва транспорт харажатлари учун субсидия

Хабарингиз борми?

НОГИРОНЛАР УЧУН СУБСИДИЯ: КИМГА ВА ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?



хатдан ўтилади. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

Ўқиш харажатлари учун субсидия олишда:

* Ариза боланинг қонуний вакили томонидан берилса, унинг шахсий идентификация рақами ва боланинг қонуний вакили эканлигини

олишда:

* Йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон нусхалари;

* ижара шартномаси ва унинг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришноманинг электрон нусхаси.

Давлат хизмати бепул кўрсатилади.

Ариза уч иш кунда кўриб чиқилиб:

- субсидия ажратиш ҳақида электрон тизимга маълумот киритилади ва бу ҳақда ариза берувчига СМС-хабарнома юборилади;

- нодавлат таълим ташкилотли жойлашган ҳудуддаги маҳалланинг ёшлар етакчиси зиммасига ариза берувчининг нодавлат таълим ташкилотлида ўқишини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиш вазифаси юклатилади.

- Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ариза берувчиларга оид маълумотлар сир сақланади.

Ҳукумат қарори билан, шунингдек, ногиронлиги бўлган ёшларга асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратишнинг маъмурий регламенти ҳам тасдиқланди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор саломатлигидаги нуқсонлар туфайли айрим чекловларга дуч келувчи ёшларимизнинг тўлақонли яшаш ва ўз ҳаётини режаларини амалга оширишларига замин бўлиши тайин.

Л. АСҚАРОВ,

**Риштон тумани
адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси.**

Е'ЛОНЛАР

Tumandagi 16-umumta'lim maktabi tomonidan 2019 o'quv yilida Saminjonova (Ganiyeva) Zulfiyaxon G'ayrat qiziga 11-sinfni tamomlagani to'g'risida berilgan UM № 0217587 raqamli shahodatnoma yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Tumandagi 21-umumta'lim maktabi tomonidan 1999 o'quv yilida Mo'ydinova Sanobarxon Usmonovnaga 9-sinfni tamomlagani to'g'risida berilgan O'R-Z № 502010 raqamli shahodatnoma yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Tumandagi 7-umumta'lim maktabi tomonidan 2020 o'quv yilida G'anijonov Xurshidbek Xasan o'g'liga 11-sinfni tamomlagani to'g'risida berilgan UN № 8550473 raqamli attestat yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Tumandagi 8-umumta'lim maktabi tomonidan 2007 o'quv yilida Vallomova Shoxsanam Baxtiyorovnaga 11-sinfni tamomlagani to'g'risida berilgan O'R-SH № 0579992 raqamli attestat yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Азиз муштарий! Ҳафтаноамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ноқоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI
МУАССИС:
Қўштепа тумани
Ҳокимияти ва таҳририят
Ижодий жамоаси

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номили маҳалла,
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нусада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 435
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
9 772 010 925 307